

ОИЛА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗИ: САБАБИ, ОҚИБАТЛАРИ, ЕЧИМЛАРИ

Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич

СамИСИ профессори, иқтисод фанлари доктори

Набиев Фарҳод Ҳамидович

СамДУ профессори, тарих фанлари доктори

Аннотация: мақолада оила глобал инқирозини намоён бўлишининг умумийлиги ва ўзига хослиги масаласи таҳлил қилинган. Унда муаммо сабаб ва оқибат нуқтаи назаридан туриб таҳлил қилинган бўлиб, муаммонинг сабаби маънавий қашшоқлик эканлиги кўрсатилган. Муаммо глобал характерда эканлигидан келиб чиқиб, уни бартараф қилиш борасида глобал тадбирлар таклиф қилинган.

Калит сўзлар: оила, оиланинг глобал инқирози, оила модернизацияси, ижтимоий ҳимоя, никоҳсиз оилалаар, бир жинсли никоҳлар, ижтимоий регуляторлар, демократия, фуқаролик жамияти, эркинлик, ахлоқий тарбия, маънавият, глобал тадбир, диний бағрикенглик

Аннотация: в данной статье рассматриваются вопросы общие и особенности глобального кризиса семьи. В статье проблема рассматривается причинно следственной точки зрения и причиной кризиса показывается духовное обнищание человечества. Исходя из того что проблема глобального характера предлагается глобальные меры по укрепление семьи.

Ключевые слова: глобальный кризис семьи, модернизация семьи, социальная защита, внебрачные семьи, однополые браки, социальные регуляторы, демократия, гражданское общество, моральное воспитание, духовность, глобальные меры, религиозное толерантность.

Бугунги қунда инсоният жамиятида мавжуд бўлган барча глобал муаммоларнинг сабаби, жумладан, оиланинг глобал инқирози ҳам маънавиятнинг қашшоқлашуви билан боғлиқ. Глобал муаммо бўлган ядро қирғин қуроли, терроризм, экологик муаммо ва оила глобал инқирозининг сабаби маънавий юксалишга эътиборсизлик оқибатида келиб чиқмоқда. Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Тараққиёт стратегиясидамаънавиятни юксалтириш алоҳида устувор йўналиш сифатида белгилаб берилган. Унда таъкидланишича, “маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш; миллий манфаатлардан келиб чиқкан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш”¹

¹ Мирзиёев Ш.М. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Тошкент 28 январ 2022 йил.

масалалари белгиланган. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон раҳбари нафақат бир мамлакат миқёсида балки глобал миқёсда фикрлайдиган лидер эканлигини кўрсатиб турибди. Оила глобал инқирозини бартараф қилиш маънавиятни юксалтириш борасида глобал тадбирларни тақозо этади.

Бозор мунособатлари йўлини танлаган ва шу йўналишда инсон қадри улуғланадиган Ўзбекистон Республикасида оилани соғломлаштиришга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя масаласи устувор йўналиш бўлиб ҳисобланади. Буни тараққиётнинг ўзбек моделининг беш тамойилларидан бири бўлган кучли ижтимоий сиёsat эканлигидан ҳам қўриш мумкин. Аҳолини ижтимоий ҳимояси, оилани соғломлаштириш ва ҳар томонлама етук авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш устивор вазифа эканлигини таъкидлаб Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Конституциянинг 17 йиллигига бағишиланган тантанали йиғилишда 2010 йилни «Баркамол авлод йили»² деб эълон қилган эди. Баркамол авлоднинг асосий белгилари энг аввало соғлом оиласида миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан юксак қилиб тарбиялаб шакллантиришда намоён бўлади. Ўша бошланган иш бугунги кунда ҳам такомиллаштирилиб давом этмоқда.

Инсоният жамияти яратилгандан буён инсонда ва оиласида ижтимоий ҳимояга эҳтиёж пайдо бўлган ва у сақланиб қолмоқда. Бироқ бу ижтимоий ҳимоя тизими узоқ эволюцион жараёнда ривожланиб такомиллашиб бораверади. Ҳар бир даврнинг ўзига хос ижтимоий муаммолари бўлгани каби ижтимоий ҳимоя тизимида ҳам унга муносиб бўлиб ўзгариб келган. Ҳозирги кунда ижтимоий ҳимоя масалалари бошқа кўплаб муаммолар сингари мамлакатимизда ҳам глобал характерга эга бўлиб бормоқда. Бугунги кунда ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш зарурияти туғулмоқда. Бу аҳолининг заиф қисмини ҳимоя қилиш, уларни соғлом оила атрофида интеграция қилишни талаб этмоқда. Ижтимоий интеграция эса ўз навбатида, оиланинг ижтимоий ҳимоясини йўлга қўйиш стратегияни ишлаб чиқишини тақозо этади.

Ижтимоий ҳаётнинг айрим соҳаларини ва энг аввало, иқтисодий соҳани глобаллашуви, маданий глобаллашув ва ҳатто сиёсий глобаллашув ижтимоий ҳимоя тизимида ҳам интеграция жараёнини бошлаб глобаллашиб бормоқда. Буни охирги йилларда республикамизда ўтказилаётган ижтимоий ҳимояга бағишиланган халқаро форум ва конференциялар натижаларига кўра амалга оширилаётган чора-тадбирлардан ҳам қўриш мумкин. Лекин интеграция ва глобаллашув жараёнида биз Ғарб ва Шарқнинг ўзига хослигини унутмаслигимиз лозим. Бу тўғрисида Нобель мукофоти лаурияти, инглиз ёзувчisi

² Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишиланган анжумандаги маъруzasи. Халқ сўзи 2009йил, 8 декабр.

Ж.Р.Киплингнинг «Ғарб бу Ғарб, Шарқ бу Шарқ, ва то охиратгача улар кўшилиша олмайди»³ деб айтган гапларини унутмаслигимиз лозим. Бирок ҳозирги кунда ушбу ғоя бироз эскириб қолди, назаримизда, Чунки Шарқ ва Ғарб халқлари биргаликда яшашлари ва ҳамкорлик қилишлари мумкинлиги юзасидан ҳозирги содир бўлаётган интеграциялашув жараёнлари бунга асос бўлиши мумкин.

Албатта дунёning ривожланган мамлакатларининг бой тажрибасини қадрлашимиз, уларни ўрганиб ўз тараққиётимизда ижодий ёндошган ҳолда қўллашимиз мумкин бўлади. Фақат биз уларнинг тажрибасини ўзимизга хос менталитетимиздан келиб чиқиб ёндошмоғимиз лозим. Ғарб мамлакатларининг тарихий тажрибасини, айтайлик, Ғарб демократиясини тарихий тажрибасини шундайгина олиб Шарқ мамлакатларига жорий қилиш оқилона йўл эмас. Чунки Ғарбдаги индивидуализм ва Шарқдаги жамоавийлик қадриятлари демократияга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тақозо этади. Буни тушуниш учун Ғарб ва Шарқ оиласарининг ўзига хослигидан келиб чиқиб мулоҳаза юритиш ҳам айниқса бугунги кунда ўта нозик масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, Ғарб мамлакатларида оилада ота-она ва фарзандлар ўртасидаги мунособат тенглик тамойилига асосланган. Шарқ мамлакатларида эса оиладаги муносабатлар тубдан фарқ қиласди. Бизда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатда ота-оналарнинг мавқеининг устиворлигига асосланади. Маълумки, Шарқда, айниқса мусулмон ўлкаларида фарзанд ўз ота-онасини кўзига хатто тик қарashi одобсизлик бўлиб ҳисобланган. Ғарбда эса фарзанд ўз ота-онаси билан сан-санлашиб гапириши, улар билан тортишиш нормал ҳолат бўлиб ҳисобланади. Оиладаги бундай демократик жараёнларнинг ўзига хослиги жамиятда ўзини изини қолдиради ва ўз ўрнига эга бўлади. Машҳур француз файласуфи Фредрик Ле Пле «жамиятни тушунмоқ учун оилани тушунмоқ зарур»⁴, деган гапни бежизга ёзиб қолдирмаган бўлса керак.

Хозирги минтақавий интеграциялашув ва глобаллашув шароитида миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлигини таъминлаш масаласи ҳам бироз мураккаб. Чунки бунда турли дин вакиллари, ҳар хил мафкура соҳиблари мавжуд. Бундай шароитда оилани соғломлаштиришга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тизимини интеграциялашни амалга оширишда ҳамкорликдаги стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин. Чунки бу замон талабига мос бўлиб ҳисобланади. Албатта ижтимоий ҳимоя масалалари миллати, дини, ирқи ва географик жойлашувидан қатъий назар, барча учун моҳиятан бир хил бўлиб ҳисобланади. Барча одамларнинг асосий эҳтиёжлари, яъни озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жойларга бўлган эҳтиёжлари бир хил бўлиб ҳисобланади. Лекин

³ Ғафуров Б.Г. Таджики. Душанбе.1989 г. 225 бет.

⁴ Антонов А.И., Медков В.М. Социология семьи. Москва. 1996г.,стр.48.

ижтимоий ҳимояни амалга ошириш йўллари ва усуллари ўша мамлакатдаги реал шароитдан ва менталитетдан келиб чиқиб бир-биридан маълум жихатлари билан фарқ қилиши мумкин.

Ҳозирги кундаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг заиф қисмини аксарияти ижтимоий носоғломлик ва оиланинг глобал инқирозининг натижасида юзага келмоқда. Ушбу глобал инқирози никоҳсиз оилаларда, ажралишларда, ёлғиз оилаларда, гей ва лесбиянкаларнинг бир жинсли никоҳларида яққол намоён бўлмоқда. Оиланинг ушбу инқирози мутахассислар томонидан ядро қирғин қуроли хавфига, терроризмга ва экологик муаммога тенглаштирилмоқда. Мавжуд бўлган дунё миқёсидаги глобал муаммоларнинг ҳаммаси биргаликда ва ҳар бири алоҳида инсоният учун ҳалокатли эканлиги таъкидланмоқда. Чунки оиланинг инқирози оила уз функцияларини бажармаслигини олиб келади. Оиланинг асосий функцияларидан бири фарзанд тарбияси билан боғлиқ. Оиланинг барча функциялари ҳаёт мазмуни бўлган ҳаётни давомийлигини таъминлайдиган репродуктив, экзистенционал ва ижтимоийлашув функцияларидан иборатdir. Бошқача қилиб айтганда оилада фарзандларни дунёга келтириб, уларни боқиб-парваришлаб ва ҳаётга тайёрлаб беради. Шу билан оила жамиятда мухим функцияни яъни асосий яратувчилик ва воситачилик функциясини бажаради. Воситачилик функцияси шунда намоён буладики, оилада ота-она жамиятнинг болаларга булган эхтиёжини кондириш оркали жамиятни маълум бир статусга эга инсон ресурсларига булган эхтиёжини кондиради. Оила неча минг йиллар давомида ўз функцияларини бажариб инсониятнинг кейинги мавжуд бўлишини таъминлаб келмоқда. Ҳозирги кунга келиб бу масалада ҳам маълум муаммолар юзага келмоқда. Бу муаммо оиланинг глобал инқирози билан боғлиқлиги анча ташвишли ҳолатdir.

Албатта бу муаммонинг юзага келишида Ғарб ва Шарқ мамлакатларида бир хил даражада намоён бўлаётгани йўқ. Бу оилавий инқироз асосан Ғарб мамлакатларида кучли намоён бўлмоқда, Шарқ мамлакатларида эса эндиғина бошланиб нисбатан юмшоқроқ намоён бўлмоқда. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Улардан бири фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида маънавиятнинг юксалиш даражасига таъсирининг хилма-хиллиги билан ҳам боғлиқdir. Ғарб мамлакатларида фуқаролик жамиятини шаклланиши анча олдин бошланган. Ушбу жараёнда фуқароларнинг хуқуqlари ортиб, улар ўз ҳаракатларида ўзларини эркин ҳис қилиб, тўғри йўлдан оғишган ҳолатлари рўй берган. Чунки, инсоннинг хуқуқи ортгандан кейин одам ўзини эркинроқ ҳис қилиб тўғри йўлдан оғиб кетганлигини сезмай қолади. Бу ҳолатда, ўз эътиқодидан келиб чиқиб, хато қилсан мени назорат қилиб турган Аллоҳ йўқ, деб ҳис қиласи. Бу жараён узоқ йиллар давомида аста-секинлик билан эволюцион тарзда юз бериб боради. Натижада Ғарб мамлакатларида ижтимоий

носоғломлик ва оиланинг глобал инқирози яққолроқ ва кучлироқ намоён бўлиб бормоқда.

Инсон тўғри йўлдан юриши ва жамиятда тартиб бўлиши учун инсоният иккита ижтимоий регуляторни, яъни хукуқ ва ахлоқ қоидаларига амал қиласди. Фуқаролик жамияти шаклланиши шароитида ҳар бир инсоннинг хукуки таъминланиб, унга таъсир этиш имконияти нисбатан пасаяди. Иккинчи ижтимоий регулятор бўлган ахлоқ кучайиб бориши лозим бўлади. Аммо Ғарб мамлакатларида буни олдиндан кўра билишмади ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ижтимоий ахлоқни ҳимоя қилиб, ахлоқий тарбияни кучайтириб маънавиятни юксалтиришга етарли эътибор қаратилмади. Чунки, индивидуализмга асосланган Ғарб мамлакатларида маънавиятга эҳтиёж юқори эмас эди. Маънавиятга етарли эътибор қилмаслик оқибатида юзага келган носоғлом муҳит, яъни ижтимоий носоғломлик инсониятни ҳалокат ёқасига олиб келди. Бу эса ўз навбатида оиланинг глобал инқирозини келтириб чиқаришга сабаб бўлди.

Номланиши жиҳатидан бир хил бўлган оиланинг глобал инқирози Ғарб ва Шарқ мамлакатларида турли даражада намоён бўлмоқда. Шунга мос раишда унинг оқибатларини ҳам турли даражада бўлаётганлигига гувоҳ бўлиб турибиз. Ғарб мамлакатларида оиланинг глобал инқирози шу даражада кучайиб кетганки, улар айрим ҳолларда буни инқироз эмас, балки замонавий оила деб тушунишмоқда ва шундай тушунтиришга ҳаракат ҳам қилмоқда. Шунинг учун улар асосий эътиборни оилани мустаҳкамлашга эмас, балким болаларни, ёшларни ва қарияларни оиладан ажралган ҳолда эркин яшашини ҳимоя қилишга ҳаракат қилишмоқда. Буни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг амалдаги “Минг Йиллик Ривожланиш максадлари”да ҳам куриш мумкин.

Қайд этиш жоизки, БМТнинг ушбу ҳужжатида саккизта устувор максадлар белгиланган булиб, уларни 3-5 максадларини битта қилиб белгилаш мумкин эди. Яъни болаларни, аёлларни ва оналикни оилани мустаҳкамлаш оркали ҳимоя килиш ва куллаб-куватлаш масаласи ягона мақсадга қаратилса ҳам бўлар эди. Бошқача қилиб айтганда, улар сабабни бартараф қилмасдан оқибатни ҳал қилишга уринишмоқда. Бундай ёндошув билан муаммонинг ечимини топиб бўлмайди. Чунки инсоният жамиятидаги у ёки бу муаммо мавжуд бўлади токи уни келтириб чиқарган сабаб мавжуд бўлса. Шунинг учун бизлар улардан фарқ қилиб болаларни, ёшларни ва қарияларни ҳимоя қилишда оилани соғломлаштириш ва мустаҳкамлаш орқали амалга оширишга ҳаракат қилиб келганмиз ва буни давом эттириш лозимдир. Маълумки, бизда фуқаролик жамияти эндиғина шаклланиш жараёнида турибди. Бу жамият ҳам ўзимизга хос тарзда шаклланишига эришишимиз лозим. Акс ҳолда эндиғина намоён бўлаётган оиланинг глобал инқирози ҳам Ғарб мамлакатларига ўхшаб қолмаслиги керак.

Бошқача қилиб айтганда касалликни даволаш усуллари касалликни оғирлик даражаси билан белгиланғанлиги каби оиланинг глобал инқирозининг даражасига қараб чора-тадбирлар белгиланиши лозим. Аслида Ғарб мамлакатлари ҳам асосий эътиборни оилани соғломлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратишлари лозим бўлмоқда. Чунки оилани мустаҳкамламлигини таъминламай туриб, болаларни ҳам, ёшларни ва қарияларни ижтимоий ҳимоясини самарали қилиб бўлмайди. Машхур аждодларимиздан бири Ибн Сино «касалликни эмас сабабини даволаш керак»⁵ деб бежизга айтмаган бўлса керак. Сабаб айни ҳолда ижтимоий носоғломлик натижасида келиб чиқадиган оиланинг глобал инқирози бўлиб ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ўртасидаги ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ҳамкорлик стратегияси аҳолини заиф қисмини оила доирасида интегрциялашга қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда инсон дунёга келгандан буён ва то дунёни тарқ этгунга қадар оила ҳимоясида бўлиши лозим. Кекса ҳам ёш бола ҳам оила аъзоси сифатида олада яшashi ва улғайиши, таълим ва тарбия олиши лозим. Буни тўлақонли амалга ошириш учун эса энг аввало, оилавий муҳит соғлом ва кучли бўлиши лозимлигини тақозо қиласи.

Ижтимоий ҳимоя масалаларининг ҳам ўзига яраша сабаб ва оқибатлари мавжуд. Шу нуқтаи назардан таҳлил қилиш оқибатида аҳолининг ёрдамга муҳтож заиф қисмини кўпайиб борётганлигини, бу эса оиланинг глобал инқирозининг оқибати эканлигини кўрсатиб кўрсатиб турибди. Оила глобал инқирози эса фукаролик жамияти шаклланиши жараёнида ижтимоий ахлоқнинг етарли эмаслиги билан боғлиқдир. Бу одамларнинг маънавият қашшоқлашуви натижасида келиб чиқсан ижтимоий носоғломликнинг оқибатидир. Шарқда, хусусан, собиқ советлар маконидаги халқларда ижтимоий носоғломликни келтириб чиқарган маънавиятнинг пасайишига коммунистик мафкура ва атеистик тарбия ҳам сабаб бўлган эди. Чунки собиқ советлар замонида миллий республикаларда одамлар миллий ва диний қадриятларни унтиш оқибатида маънавий қашшоқликка дучор бўла бошладилар. Фақат мустақиллик шарофати билан миллий ва диний қадриятлар тикланди ва булар асл ҳолига келиш йўлида давом этмоқда. Булар негизида маънавиятни юксалтириш орқали ижтимоий соғломликни таъминлаш имкони пайдо бўлди. Жамиятни соғломлаштириш масаласи мамлакатимизда «Юксак маънавият – енгилмас куч» шиори билан шаклланиб келмоқда.

Ғарб билан Шарқнинг ўзига хослиги шундаки, Ғарбда индивидуализм асосида моддий бойликка катта аҳамият берилади. Шарқда эса жамоавийликни устунлик қилиши билан бирга маънавиятга катта аҳамият берилади. Бу ҳам

⁵ Альперович В. Социальная геронтология. Ростов-на-Дону. 1997 г. с.59.

моддий бойлик сингари аҳолининг маънавий эҳтиёжини ҳам қондириш заруратидан келиб чиқади. Шарқ мамлакатларида жамоавийлик туйгусини устунлиги, одаларнинг бир-бирига муносабатида маънавиятга эҳтиёжни ошишини келтириб чиқарди. Чунки жамоавийлик ўзининг манфаати билан бирга ўзгалар манфаатини ўйлаш негизида шаклланади. Индивидуализм эса асосан ўзининг индивид манфаатини устиворлигига асосланган бўлади ва бу маънавиятга эҳтиёжнинг ўсишини келтириб чиқармайди.

Маълумки, ўзгалар манфаатини ўйлаш учун инсонда маънавият юксак бўлиши лозим. Маънавият инсон қалбида маълум бир ахлоқий тамойилларни шакллантириб ўзгалар манфаатини ўйлаш ва ҳимоя қилишни таъминлайди ва бу оиласда ҳам ўз аксини топади. Маънавияти юксак одамда ўзгалар манфаати менинг манфаатимдан муҳимроқдир, деган ахлоқий тамойилга ҳам асосланади. Бу ўз навбатида оиланинг глобал инқирозининг Ғарб ва Шарқда турли даражада намоён бўлишига ҳам сабаб бўлади. Бунинг асосий сабаби одамлар маънавиятининг юксаклик даражасига ва унинг пасту-баландлигига ҳам боғлиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб оиланинг глобал инқирозинининг асосий сабаби маънавий қашшоқлик эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Дунё миқёсида оиланинг глобал инқирозининг намоён бўлиш даражаси бир хил бўлмаганлиги сабабли уни бартараф қилиш чора-тадбирлари ҳам инқирознинг даражасига мутаносиб бўлиши керак. Ғарб мамлакатларида оила глобал инқирози кескин намоён бўлиши ва уни оила модернизацияси деб қабул қилиниши болаларни, қарияларни оила доирасидан ташқарида ҳимоя қилишга интилишни келтириб чиқармоқда. Бизда эса оила инқирози нисбатан юмшоқроқ намоён бўлаётганлиги учун болаларни ва қарияларни оила доирасида, яъни оилани соғломлаштириш орқали ҳимоя қилишга эътибор қаратилмоқда. Оилани муқаддас ҳисоблаган жамиятда инсон қадри улуг бўлади. Акс ҳолда инсон қадри ҳақида гап юритишнинг ўзи ортиқча.

Хулоса қилиб айтганда оиланинг глобал инқирози маънавий қашшоқлик оқибати эканлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу сабаби эушбу ҳолатни инобатга олиб, глобал миқёса маънавиятни юксалтиришга ҳаракат қилиш лозим бўлмоқда. Асарида маънавият масаласи бир миллатга эмас, балки бутун инсониятга дахлдор бўлган глобал муаммодир. Бунда Шарқ ёки Ғарб мамлакатлари бўладими, олис Африка ёки Осиё қитъаси бўладими – жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши қандайдир таҳдид пайдо бўладиган бўлса, бу оиласдан бошланади ёки оиланинг заифлашишига олиб келади. Шу туфайли оиланинг маънавий жиҳатдан мустаҳкамлиги дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масалалардан биридир. Шу туфайли оила маънавиятининг юксалиши бўйича эзгу ғояларни глобал миқёса

одамлар қалби ва онгига сингдириш Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни асосий вазифаларидан бири бўлиши лозим.

Хулосанинг яна бир давоми сифатида шуни айтиш керакки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида инсоният жамияти олдида турган глобал муаммолар қатори оиланинг глобал инқирози ҳам ва бу инқироз натижасида юзага келган социал муаммолар ҳам маънавият соҳасида вужудга келган муаммолар билан бевосита боғлиқдир. Инсониятни доимий мавжуд бўлиши бевосита оилаларнинг сақланиб қолишига боғлиқ. Унинг сақланиб қолиши эса, дунё миқёсида бир қанча глобал масалаларни биргаликда ҳал қилишни тақозо қиласиди. Глобал инқирозини бартараф қилиш глобал чора-тадбирларни амалга оширишни ҳам тақозо қиласиди. Бунинг учун Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ўртасида ижтимоий ҳимоя тизимининг маънавий соҳасида ҳамкорликни таъминлайдиган маҳсус ҳалқаро мувофиқлаштирувчи ташкилот тузиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ташкилот глобал миқёсда маънавиятни юксалтириб, ижтимоий соғломликни таъминлаб, оиланинг глобал инқирозини бартараф қилишга хизмат қиласиди.

Ҳар бир давлатнинг ривожланиш даражасига ҳалқаро ҳамжамият томонидан баҳо берилганда асосий мезон ижтимоий ҳимоя тизими ва аҳоли ўртасида маънавий муҳитнинг ривожланганлик даражаси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя тизимини янада тақомиллаштириш ва маънавий муҳитни яхшилаш учун ушбу соҳада фаолият юритадиган давлат ва нодавлат ташкилотларни фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус марказ (ташкилт) тузиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз ва ҳалқаро миқёсдаги ижтимоий ҳимоя тизимини ҳамда маънавий муҳитни мувофиқлаштирувчи марказ (ташкилот) асосий эътиборни маънавиятни юксалтириш орқали оилани моддий ва маънавий инқироздан олиб чиқиб, уни соғломлаштиришга қаратиши лозим. Бунинг учун глобал масштабда ҳам инсоният жамиятида оиласа йўналтирилган сиёsat олиб боришга интилиш лозим. Оилани инқироздан олиб чиқиши, уни мустаҳкамлаш қатор социал муаммоларни яъни болаларни, ёшларни ва карияларни ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан бирга оилаларнинг мустаҳкамлигини ҳам таъминлади.

Ҳозирги кунда инсоният олдида турган глобал муаммолар ҳал қилиш учун дунё миқёсида глобал тадбирларни амалга оширишни ҳам тақозо қиласиди. Глобал тадбирларни амалга ошириш учун эса инсониятни бирлаштирувчи механизmlарни талаб этади. Инсониятни ҳалокат ёқасига олиб келаётган глобал муаммолар таҳдидлар албатта инсониятни бирлашишга унрайди. Бирлашиш учун инсониятни фарқларига эмас балки умумий томонларини кўриш ва эътиборни унга қаратиши лозим бўлади. Бунинг учун инсониятни бирлашишга унрайдиган бағрикенглик рамзи яратилиши мақсадга мувофиқдир. Унда инсониятни миллати, дини, ирқи ва географик жойлашувидан қатъий назар умумий хусусиятлари мавжудлиги кўрсатилиши керак. Динлар куп булганлиги билан Оллоҳ ягоналигини, ирқлар, миллатлар кўплиги билан барча одамлар Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқалганлигини кўрсатадиган рамз яратилиши лозим.